



«26» март 2020 йил

№ 187

Данғара шаҳарчаси

**Данғара туманидаги транспорт  
воситаларини 2020 йилда мажбурий  
техник кўрикдан ўтказиш хақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофик, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, хорижий юридик ва жисмоний тегишли бўлган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситаларининг (кейинги ўринларда матнда “транспорт воситаларининг” деб юритилади) техник кўрикдан ўтказишни ташкил қилиш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Данғара туманидаги транспорт воситалари ва уларга тиркамалар 2020 йилда белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Данғара туманида транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, рўйхатга олинган юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини 2020 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

3. Данғара туманидаги транспорт воситалари жорий йилда қуидаги даврийликка мувофик; тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун маҳсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалар, бир йилда икки марта (биринчи марта 2020 йил 1 мартадан 30 июнгача, иккинчи марта 2020 йил 1 сентябрдан 31 октябргача);

ишлиб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлиб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун маҳсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалар, бир йилда икки марта;

ишлиб чиқарилғанлығында беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек, ишилб чиқарилған вақти аниқланмаган транспорт воситалари, яъни одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган автомобиллар, йирик габаритли, оғир вазнили ва хавфли юкларни ташиш учун маҳсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалардан ташқари) бир йилда бир марта;

юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўрикдан 2020 йилнинг 1 мартдан 30 июнгача ўтказилади.

4. Данғара тумани ИИБ ЙҲҲГ жадвалига мувофиқ, мазкур қарорнинг 2-иловасидаги юридик шахсларга тегишли, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юқ автомобиллари йирик габаритли, оғир вазнили ва хавфли юкларни ташиш учун маҳсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамаларнинг техник кўриги ДЙҲҲХ ходимлари иштирокида, тузилган шартнома асосида автомобилларнинг техник қарови ва таъмир ишларини бажариш учун қулайликлар мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларида ўтказилиши инобатга олинсин.

5. Жисмоний шахсларга қарашли бўлган қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2020 йилнинг 4 январидан жорий йилнинг 31 августигача ўтказилади.

6. Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказганлик учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда йигим ундирилади.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари М.Холмирзаев ва туман ИИБ ЙҲҲГ (Ф.Бойқўзиев):

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситаларини кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Данғара тумани ИИБ ЙҲҲГ (Ф.Бойқўзиев)га:

Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш тартиби ҳақида “Данғара” рўзномаси орқали омма эътиборига етказиш ишлари ташкиллаштириш;

юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишида юридик шахсга, тегишли хужжатларни илова қилинган ҳолда, техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юборилиши, техник кўрик бошланишидан камида ўн кун олдин юридик шахсдан тегишли хужжатлар талаб қилиш;

жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш учун қонун хужжатларида транспорт воситаси эгасидан ёки унга ваколатли шахсдан хужжатлар талаб қилиш;

техник кўрикка қўйилган, бироқ техник носозлик туфайли кўрикдан ўтмаган автомобиллар фойдаланиш учун қўйилмаслигини назоратга олиш:

техник кўрикдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқарган комиссия таркибидаги маъсул ҳодимлар қонун хужжатларида жавобгарликка тортилиши ҳакида огохлантириш вазифаси юклатилсин.

9. Мажбурий техник кўрик давомида комиссия тартибида иш олиб борган ҳодимларнинг доимий иш жойларидағи иш ҳақлари сакланиб қолиниши инобатга олинсин.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринbosари М.Холмирзаев зиммасига ўзгаштинин.

Туман ҳокими в.б.:



А.Абдуллаев